

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

ОРЗУ-НИЯТЛАРИ БИР ОЛАМ



Тадбиркорлик давр талаби

Агар бундан 10-15 йил илгари оддий ўқитувчи аёл Матлубани бир куни келиб жаҳондаги етук давлатлардан сўрашди, дейишса кимдир мийғида кулиши, кимдир бу бир чўпчак, яна кимдир "ўзбек аёлига чет элга йўл бўлсин", дейиши табиий эди.

Лекин ўша чўпчак бугун ҳақиқатга айланди. Матлуба Исмоиловага интернет орқали ҳали Германиядан, Франциядан, ҳали Россия, Япониядан ҳамкорлик қилиш важадан муружаат қилишаётганини эшитиб, лол қоласан киши. Биз ҳам ғайрати ичига сизгаётган марфилолик бу тадбиркор аёлнинг фаолияти, орзу-истаклари билан қизиқдик.

- Мустақиллик туйғайли шу имкониятларга эришдим, - дейди опа. - Узоқ йиллар тарих фанидан дарс бердим. Ўша даврларда ҳам тадбиркорликка иштиёқим баланд эди-ю, имконият йўқ эди. Мустақилликка эришганимиздан кейин оддийгина "дастмолқовоқ" (табиий мочалка) ёдимга тушиди ва томорқамда ушбу қовоқни етиштира бошладим. Ол-

ган ҳосилимни четга чиқариш режаси туғилди ва Россияга жўнадим. Бу нарсанинг ўзимизда унчалик қадрига етишмайди-ю, аммо россияликлар табиийлиги, соғлиқ учун фойдали эканлиги сабаб жуда қадрлашади. Анча вақт хом ашёсини сотиб юрдим. Бир куни худди шу бизнинг махсулотимиздан идиш-товоқ ювадиган, сауналарда ишлатиладиган буюмлар тайёрлаб, сотишаётганини кўриб қолдим. Ва бирдан хаёлимдан: "Буларга тайёр хом ашёни олиб келиб берибману, мендан кўп даромадни улар кўришса", деган фикр ўтди. Қайтиб келдим етиштирган хом ашёдан худди шундай махсулотлар тайёрлашга киришдим. Албатта бунинг ҳам ўзи бўлмади. Хўжайиним билан енгил машинамизни сотиб шу ҳаракатга сарфладик.

- Ҳозир тадбиркорлар учун жуда катта имкониятлар фойдалаяпти. Шулардан фойдаланмадингизми?

- Мана яқинда ҳокимиятимиз томонидан дастмолқовоқни ўстириш учун ер беришди. Ишимизни янада кенгайтириш учун энди кредит олмоқчиман. Кундан-кунга талаб ошиб бораёпти. Махсулотларимни Германия, Франция, Япония, Россияга сотишга олиб борган эдим, улар яқиндан ҳамкорлик қилишни тавсия қилишди. Агар менинг имкониятларим кенгайса, касаначилик ривожланиб, кўпчилик аёллар иш билан таъминланади. Биласизми, айнан шу қовоқнинг ўзидан кўпик ҳосил қилинадиган модда ҳам чиқади, яъни бундан табиий шампун тайёрлаш мумкин. Дастмолқовоқ ўсимлиги фақат бизнинг юртимизда ўсади. Яқинда французлар шу махсулотдан кийимларнинг елкасига ёстиқчалар ишлаб чиқаришни сўраб интернетдан хат ёзишди. Француз гўзаллари ўзида тайёрланадиган елка ёстиқчаларининг аллергия беришидан қийналишаётганимиш.

- Бу махсулот соғлиқ учун ҳам кони фойда дедингиз...

- Жуда фойда. Остеохондроз, геммарой, ревматизм, замбуруғ (грибок), аллергия каби касалликларни даволашда жуда асқотади. Массаж қилиш орқали қон айланиши яхшиланиб, тузларни, ортиқча ёғларни йўқотишда, синган жойнинг мустақамланишида фойдаси катта. Аммо бундан кўра хориждагилар кўпроқ тушунишяпти. Агар юртимиздаги меҳмонхоналар, соғломлаштириш мажмуалари каби масканларда шу табиий воситадан фойдаланилса қанчадан-қанча инсонларнинг соғлигига ёрдам берган бўлардиқ.

- Ният ва режаларингиз қандай?

- Хориждан талаб тушиб турган бир пайтда шампун тайёрлайдиган цех очиш режаларим бор. Бу билан кўплаб инсонларни иш билан таъминлашга эришамиз.

- Турмуш ўртогингиз, фарзандларингиз сизнинг фаолиятингизга қандай қарашади?

- Уларнинг кўмаги, қувватлаши билан қилаёпман-да, барчасини! Ўзи каби аёлларга ёрдам бериш, уларни иш билан таъминлаш орқали оилаларига тўкинлик, тотувлик олиб кириш мақсадида тинмай ҳаракат қилаётган бу онахонга жуда ҳавасим келди. Суҳбатимиз охирида бораётганини сезган онахон: "Биргина илтимосимни албатта газетда ёзишингизни ўқитиб сўрайман", - деди.

- Шунча ишларни баҳараётган аёлда яна қандай илтимос бўлиши мумкин?

- Ҳайратим ичимга сизгамайди. Илтимосим - менинг фаолиятимга ташкилотлар, юқорида айтганимдек меҳмонхона, сихатгоҳ, спорт мажмуаларига ўхшаган жойлардан эътибор беришса, махсулотларимиз энг аввало халқимиз эҳтиёжига хизмат қилса, дейман.

М. ШУКУРОВА



НУРЛИ ХОНАДОН

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги Кўкча-Оқтепа маҳалласи аҳли Эркин ака Саидазимов хонадонини жуда ҳурмат қилишади. Шу оилдан ибрат олишади, маслаҳат сўрашади.

- Эркин ака билан Саида онамиз маҳалланинг ота-онаси, десам муволажа бўлмади, - дейди маҳалла оқсоқоли. - Кимнинг қизига совчи келса, ким келин қидирса, шулардан сўрашади. Бирор-бир моддий етишмовчилик ёки касалларга ёрдам керак бўлса, энг аввал улар кўл чўзишади.

Ушбу хонадонга ташриф буюрдиқ. Саранжом ховли, чор атрофдаги гуллар кўзингни қувнатади. Юзлари нурли аёл илиқ табассум билан бизни қарши олди. Биз суҳбатни қайнона-келин муомаласидан бошладик.

- Келин бировнинг қоғозга ўралган қанддек қизи, ниҳол бўлади. Қайнона унга юриш-туриш, эр қутиш, муомалада ибрат бўлиши керак.

Доим ўзимнинг, маҳалламдаги келинларимга: "Эшикдан кириб келган одамни жилмайиб кутиб олинг. Бу сизнинг латофатли аёллигингизни кўрсатади", дейман. Ҳар йили лола сайлига, кунлар исиди дегунча оилавий дам олишларга борамиз. Кейин невараларни олиб, келиним билан ўғлимни ёлғиз қолдириб қайтамыз. Ёшларни холи қолдириш ҳам керак. Мана ҳозир кўлаб ўқув курслари очилган, қайноналар келинини ўқитиши, билмаганини ўргатиши керак. Ана шунда ахиллик бўлади, авлоди ҳам тоза бўлади.

- Қиз узатган экансиз, қуда-андачилик масалалари...

- Гапингизни тушундим, бу борада ҳам эътиборли бўлиш лозим. Қизимни ажойиб оилага берганман. Улар қизимизни, унинг орқасидан бизни жуда қадрлашади. Қизим бирор марта келиб, ётиб қолмаган. "Бора қолай, кейинги келишимга яхши бўлади", деб туради. Мен ҳам ушлаб қолмайман. Келин деганлари қайнона-қайночасининг дуосини олгани яхши.

- Бир ибратли оила бекаси сифатида бахтни қандай тушунасиз?

- Бахтли ҳаёт тинчликда, ахилликда, соғлиқда. Бир-бирига бўлган муҳаббатнинг зиёдалигиди.

Суҳбатимиз шу ерга етганда невараларини опичлаб, оила устун Эркин ака келиб қолди. Биз бу инсонни ҳам суҳбатга қўшдик.

- Айтишларича, маҳаллада бир қанча оилани оталиққа олган экансиз.

- Биз турмуш қурганимизда ҳеч вақомиз йўқ эди. 34 йил "Тошкент" меҳмонхонасида монтер бўлиб ишладим. Ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратдим. Отанамизнинг дуосини олишга ҳаракат қилдик. Мана ҳозир тўрт ўғлим тўрт ёнимда, эҳтиёжимиздан ортиб турибди. Мол-дунёни йиққандан кўра, муҳтожларга ёрдам беришни афзал биламан. Ахир олиб кетаримиз шу яхшилик, савоб-да.

Ҳақ гап, бу дунёда қилган амалимиз билан эсланамиз. Кимдир кимдан мурувват, яхшилик кўрса умр-бод ҳаққига дуо қилади. Илоҳо, Эркин Ҳожи ота ва Саида Ҳожи она хонадонидан таралаётган эзгулик нурининг адоғи бўлмасин.

МАТЛУБА



юрист", 91 ёшли устоз Халима Муҳиддинова талабаларга энг эзгу тилакларини изҳор қилди. Абдумўмин Райимжонов ўқитувчилар жамоасига отаналар номидан миннатдорчилик билдирди. Фаол ва аълочи талабалар-

Ахборот

КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкент юридик коллежи битирувчиларига диплом топириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали кечани илғоҳ директори, юридик фанлари доктори, профессор Озод Хусанов табрик сўзи билан очди. У дипломантларга оқ йўл тиларкан, уларнинг мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуришга ўз улушларини қўшишларига ишонч билдирди. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

дан Дилафрўз Самадова битирувчиларнинг дил сўзларини изҳор қилди.

Кечада "дипломант"ларнинг расмий қасамёди янгради. Сўнг тантанали суратда талабаларга дипломлар топирилди. Тантана куй-қўшиқлар, рақсларга уланиб кетди.

С. ФАХРИДДИНОВА

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Яқинда фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида аёллар муаммоларини ўрганиш нодавлат жамиятининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Кечани жамият раҳбари Нафиса Зоҳидова табрик сўзи билан очди. Сўнг институт директори М.Усмонов йиғилганларни байрам билан қутлади ва мажлисни бошқарди. Йиғилишда сўзга чиққанлар: Президент девонининг масъул ходими Ш.Нуруллаева, оммавий ахборот лойиҳаси раҳбари, профессор Ф.Мўминов, республика ахборот маркази бошлиғи Т.Эшбек, конунчилик палатаси вақили Р.Охунов, сиёсий шарҳловчи Қ.Каримбеков ва бошқалар оммавий ахборот воситалари ходимларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳадаги ютуқларини тарғиб қилишдаги ўрни хусусида гапирди. Айниқса парламент ҳаётини, партиялар фаолиятини ёритувчи махсус мубирлар зарурлиги таъкидланди. Тадбир сўнггида журналистларга гул ва совғалар тақдим этилди, ширинликлар тортилди.

САНОБАР

ФАОЛ МАСЛАХАТЧИ



Ўғилжон опа Санамжоннинг турмушини ўйлаб боши қотди. Аёл эри билан уришиб, уни қаматиб юборди. Хеч кимнинг гапини эшитгиси келмади. Ахир ўртада 25 йиллик биргалликдаги турмуш... болалар...
Уч ой ўтиб, Санамжоннинг эри ҳақо муддатини ўтаб, қайтди. Эрак қилган ишидан пушаймон, оиласидан кечирим сўраб, остонасига бош уриб борди. Санамжон ҳам, болалари ҳам ундан юз ўгиришди. Абдулла (эри) эса ёрдам сўраб, маслаҳатчига келди. Ўғилжон Нуризмбетова эрақнинг "чин сўз"ини олгач, яна Санамжонни йўқлади. "Яраштириш хайъ-

ати" аъзоларини, маҳалла фаолларини ўртага солди. Хуллас, ажралиш учун ариза берган аёл шаштидан қайтди - оила тикланди. Улар холидан маҳалла фаоллари хабар олиб туришибди.
Ҳа, бу - Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Навоий овули фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ўғилжон Нуризмбетованинг одатий куни. Худуддаги 1344 оиланинг "иссиқ-совуғи"дан бохабар бўлиш, оксоқол Кенжа Бекимов билан маслаҳатчи Ўғилжоннинг зиммасида. Эри қамалиб, натижада қайнонаси оламдан ўтган келинчақ ёрдам сўраб, уларнинг хузурига келди. Аёлни тушқун-

ликдан олиб чиқиш учун 2 ёшга бўлган боласига нафақа пули ва ўзига моддий ёрдам уюштириб беришди. Ҳатто маслаҳатчининг ўзи ҳам унга ўз деҳқончилиги даромадидан ҳомийлик қилди. Аёл қаддини тиклади. Ишга тушди. Ўзлигини таниди.

Бундай аёллар овулда бисёр. 2356 нафар аёлнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга Ўғилжон опанинг ҳиссаси бор. Уларни вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор қилиш, фойдали меҳнатга жалб этиш маслаҳатчининг иш режасида катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Натихаси ёмон эмас - Гулбахор Латипова ўз уйида паррандачиликни ташкил қилган бўлса, 20 нафар аёл кўрпа-тўшак тикишни йўлга қўйди.

Маҳалладошларининг тўй, маърақаси уларнинг ёрдамларисиз ўтмайди.

4 фарзанднинг онаси Ўғилжон опани камтарлиги, самимийлиги учун барча ҳурмат қилади. Турмуш ўртоғи Шомурод ака деҳқончилик билан шуғулланади. Аммо маслаҳатчи бекасига доим ҳамшира, камарбаста. Барча аёлу эрақни увалжували, ўзларидая иноқ, аҳил бўлишини орзу қилишади.

Яхши тилак эса азалдан соҳибига ҳам йўлдош бўлган.



САНОБАР

Меҳр ҳақида сўз кетаркан оплоқ халатлари ўзига ярашган, меҳрибон ва дилбаргина онам, онажоним Маҳмуджонова Матлуба кўз олдимга келаверади. Эсимни таниб онамни билганимдан бошлаб у кишига ўхшашга ҳаракат қилдим.

Мен онажонимнинг ўз касбига фидойилиги, одамларга бўлган оқибати, эл аро топган хурматига ҳавас қилдим. Жаҳли чиққанини ёки қовоқ уйган ҳолатини тасаввур қила олмайман. Чехрасидаги табассум ҳамиша у кишига чирой бағишлаб туради. Онамнинг савобли касб соҳибаси эканлигидан жуда фахрлана-



МЕН СИЗНИНГ ЎЗИНГИЗМАН

ман. Шифокор волидамнинг кўлида ҳар куни янги инсонлар дунёга келади. 30 йил шифокор бўлиб ишлаш давомида у минглаб гўдакларга доялик қилибди.

Ҳозир ҳам ҳар куни уйимиздан одам узилмайди. Хоҳ ярим тун,

хоҳ тонг сахар бўлсин кимдир нажот излаб келса дарҳол оёққа туриб, ёрдамга шошилади. Ширин сўзи-ю, ташкин берувчи илиқ муносабати учун ҳам онам кўпчилик ҳурмати ва меҳрига сазовордир. Орадан 5-10 йиллар ўтган ҳам, оналар аллақачон оилали бўлган фарзандлари билан уйимизга келишиб: "Доя момоси! Эсингиздами, мана бу қизимга ўзингиз доялик қилгандингиз. Энди унинг ўзи ҳам она бўлди. Мана бу сизнинг набирангиз бўлади. Оғизига туғлаб қўйинг, сизга ўхшаган ажойиб инсон бўлиб улғайсин", - дейишади. Буни кўриб барча оила аъзоларимиз каби мен ҳам жуда қувониб кетаман.

Болалигимда бошқа касб эгаларига ҳавас қилардим. Аммо, йиллар ўтиб тушундимки, ҳар қандай касбда ишлайдиган аёллар ҳам онамнинг қўлларидан нажот топаркан.

Онам нафақат маҳаллада, ишхонада, балки оиламизда ҳам жонқуяр, фидойий инсон. Уй-рўзгор юмушларини тобида бажаради, мазали таомлар пиширишга уста. Шу туфайли ҳам ҳаммамиз меҳнатсевар, ўқимшли инсонлар бўлиб улғайдик. Катта акам Суннатжон ободон-

лаштириш бўйича бригада бошлиғи бўлса, Санжарбек эса Англияда билим олмоқда.

Оиламиздаги қайнона-келин муносабатларига ҳамма ҳавас қилади. Онамнинг оналари Мўҳаббат бувим онамни тарбиялаб келинликка узатган бўлсалар, отамнинг онаси Мукамбар бувим онамни ўз қизидек тушуниб, ҳар бир ишида қўллаб-қувватлайди. Дуолар қилади.

Эсимда, онам менга: "Қизгинам. Сен ҳам менинг касбимни эгаллагин, бу яхши касб", - деди. Лекин мен қайсарлик қилиб кўнмаган эдим. Бу онамнинг орузи эди, мен эса иқтисодчилик касбини танладим. Насиб бўлса, фарзандларим онамнинг касбини эгаллаши учун бор кучимни сарфлайман.

Онажоним - Матлуба Маҳмуджонова бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамяят қурилиши академияси тиббий бўлимида ишлаб, жуда кўплав савоб ишларни амалга оширмоқда.

Ҳар бир инсоннинг ўзи ихлос қилган киши бўлади. Мен эса онамга ихлос қўйдим. Онамга ўхшаб яшашга интиламан. Онани эҳтиром қилганларга бахт кулиб боқармиш, илоҳ, ўша бахт менга ҳам насиб этсин!

Мен сизнинг ўзингизман, Ўлеизина қизингизман. Дил эҳтиром қабул айланг, Яхшиликда изингизман.

Наргиза МАҲМУДЖОНОВА, Тошкент шаҳри

ЮЗИНГДА ШУЪЛА БЎЛСА...

Мавлуда опа Абдуразоқова 8 йилдан буён Иштихон тумани «Ўзбекистон» маҳалласи фуқаролар йиғинида қотиба вазифасида ишлайди. 6713 нафар аҳолини "беш кўлдай" билади. Бировнинг ёрдамга муҳтожлиги-ю, бировнинг ҳомийлик қилиш имконияти борлигини ҳам эътибордан қочирмайди.

Бу йил кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг, ногиронларнинг газ тўловларини маҳалла ҳисобидан тўлаб бердик. Ш.Жумамов, Т.Фуломовларнинг маъракаларига моддий томондан ёрдам қилдик. Илгари 31 та нотинч оила бор эди. "Яраштириш хайъати"нинг фаол ҳаракати туфайли

уларнинг сони 29 тага қамайдди. Ибратли оилаларимизнинг сафи кенгайиб бормоқда. Маҳалламиздан 30 нафар йигит-қизларимиз чет элда таълим олишяпти.

Республика миқёсидаги оилавий спорт мусобақасида (теннис, шахмат, югуриш) бизнинг оила голиб бўлди. Шахмат-ҳаммамиз учун сеvimли машғулот. Отам—81 ёшли Отакул бобо, онам—75 ёшли Саида момо бизга "ишқибоз". Улар 9 фарзандни ўқимшли қилиб, вояга етказишди, - дея шукрона келтирар-



кан Мавлуда опанинг содда чехраси ёришиб кетди. Бу шуъла опанинг кўнглидаги эзгуликлардан дарак бергандай эди.

Ноҳира АНДАҚУЛОВА, С. ФАХРИДИНОВА.

НАВБАТДАГИ ТИББИЙ КЎРИК

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси 2002 йилдан буён Германиянинг "Фриенденздорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида мазкур ташкилот кўмагида республикамиздан Германия тиббий муассасаларига юборилган 64

Ахборот

нафар беморлар даволаниб, юртимизга қайтди. Бугунги кунда 8 нафар бемор болалар Германияда даволанишни давом эттиришмоқда.

"Фриенденздорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти 2003 йилдан буён ўз гранд маблағлари ҳисобига "Юкори лаб ва танглайнинг тугма нуқсонлари" ташхиси қўйилган болаларни Ўзбеки-

стонда операция қилмоқда. 2006 йилнинг 6 ойи давомида Тошкент Тиббиёт Академияси, "Алишер тиббиёт" клиникаси ва бир қатор вилоятлардаги клиникаларда 100 нафар ана шундай ташхис қўйилган бемор болалар операция қилинди.

Яқинда "Фриенденздорф Интернейшнл" ташкилотининг раҳбари Р. Гегенфуртнер ҳамда М.

Тиннефельдлар мамлакатимизга ташриф буюриб, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказишди.

Шунга кўра, даволанишга муҳтож болаларнинг бир гуруҳи август ойида Германияга юборилади.

Д. ИБРОХИМОВ

КУТУБХОНА ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Фаргона вилоят кутубхонасига 3,5 минг Евро миқдоридagi бадий адабиётлар, энциклопедия, лугат, маълумотнома сингари китоблар тақдим этилди.

Кутубхона Германия ташқи ишлар Вазирлиги, Гёте институти томонидан ташкил этилган "Одамлар ва китоблар" халқаро танловида иштирок этиб голибликни қўлга киритди. Танлов шартларига кўра голибларга уч йил давомида 10 минг Евро миқдоридagi китоблар тўплами етказиб берилади.

—Бу ҳамкорлик алоқалари халқларимиз ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва барқарорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, халқларимиз тарихи, урф-одатларини кўпроқ билиш ва ўрганишга хизмат қилади, — дейди Германиянинг Ўзбекистондаги Факултетада ва муҳтор элчиси Хансия Йохим Кидерлен.

Расул КАМОЛ, "Туркистон-пресс"

ШУНДАЙЛАР КЎПАЯВЕРСИН!

Бир неча йилдан буён ишсиз юрган кўшимизнинг бошига оғир мусибат тушди. Унинг 78 ёшли қайнонаси вафот этди. 4 фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Қўқон шаҳар электр-

тармоғида монтер бўлиб **Яхшилардан сўз очдик** 23-сон мактаб раҳбари. Машрабхон Мирзаева энди 43 ёшни қаршилаган. Ўтган йили кўшниси Мухсинжон Саидов ўзи ишлаб турган Қўқон шаҳар 23-умумий таълим мактабига фаррошликка ишга тақдир қилди. Уни мактаб раҳбари Дилфузахон Деҳқоновна чақириб, иш билан таништирди. Тез кунда Машрабхон мактабдаги аёллар билан танишиб кетди. У ерга ишга борганига

йил ҳам бўлгани йўқ. Шунга қарамай, 25 апрел куни вафот этган қайно-

насининг жанозасида иштирок этишиб, 10 минг сўм пул ёрдам қилишди. Кейинги маърақасига ҳам 20 минг сўм пул, 10 та патир бериб, ёрдам қилишди. Шу оилага ҳомий-

лик қилган 23-сон мактаб раҳбари Дилфузахон Деҳқоновна, илиий бўлим мудири Малохатхон Жўраева, касабая ушмаси раиси Бақодиржон Тожибоев ҳамда мактаб жамоасига газета орқали ўз миннатдорчилигини изҳор этмади. Шундай беминнат ҳомийлар сафи кўпяверсин!

Паттихон САМАДОВА, Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани.

Кадрдон газетамиз - "Оила ва жамият" номи "Оила" сўзи билан бошланганлиги учун мен ҳам фикримни оиладан бошласам. Умр йўлдошим Саноатхон - мактабда тарих фанидан сабоқ беради, катта қизим Дилноза - доришунос, ўртанча қизим Чаросхон - рухшунос, ўғлим Динмухаммад - Фаргона политехника институтининг талабаси. 3 нафар шириндан-шаркар неваралар бор.

Мен "Фаргона дори-дармон" очик ҳиссадорлик бирлашмасида назоратчи-доришунос бўлиб ишлайман.



қиламан ва шукрона айтаман. Тақдир мени сизларга йўлиқтиргани учун минг марта шукр! Газетанинг бир ажаб ғалати шуури, нафис оҳанглари, хузури бор. Тўйиб ош еганингда

мазза қилганчалик мазаси, илҳами, куч-қуввати борлигини англаганман. Бу гапда ҳеч қандай муболага йўқ. Зеро, газетачилик - осон иш эмас, игна билан кудук қазишдек гап. Бу бежиз айтилмаган.


Кунлардан бир кун фаргоналик қалами ўтқир журналист Рустамжон Орипов менга шундай деди:

- Яқинда бир анжуманга борган эдим. Қизиқиб қарасам, иштирокчиларнинг қўлида "Оила ва жамият" газетаси. Ҳаммаси варақларини бўлиб олишиб, берилиб

Ҳавас ва ҳасад туйғулари бирга юришади ва биз кўпинча ҳавас деб, ҳасадга йўлиққаннимизни билмай қоламиз. Ҳасад киши умрини ҳароб этиб, юзини қаро қилиши ҳаммамизга аён.

Аммо гадонинг душмани гадо бўлади, деганларидек, ёнимизда, сиримиздан ошқор бўлиб юрган яқинимиз, касбдошимиз, қўшнимиз ва ҳаттоки жигаримиз ҳасадгўй бўлиши мумкин.

Бу иллатнинг нақадар фожеавийлиги ҳам ана шунда.



ҚАЙТА ҲАЁТ БАҲШИДА ЭТГАН...

Матбуотга мақолалар ёзиб тураман. "Оила ва жамият" 15 йиллик умри давомида саноксиз мухлисларнинг, муаллифларнинг кўнглини шод қилганига имоним қомил. Шулардан бири каминан. "Оила ва жамият"ни биринчи сонидан буюн муттасил ўқиб келаман. Кадрдон газетادا биринчи мақолам чиққанига салкам 10 йил бўлди. Газетани кўздан кечирмаган куним кўнглим чигил бўлади, хумори тутади. Таваба, дейман газетанинг хумори тутади-я! "Кишини сархуш этувчи нарсаларнинг, чунончи, ичкиликнинг хумори тутади, дейиш мумкин-у, бироқ газетанинг хумори тутатиш муболага", дегувчилар топилиши турган гап. "Оила ва жамият"ни мунтазам ўқиб, мутлолаа қилиб, шунчалик ўрганиб, одатланиб кетибманки, эндиликда хумори тутадиган бўлиб қолибди. Бу ўринда сўз, албатта маънавий озуқа ҳақида бораётим.

Мен илгари ҳам тиббиётга, халқ табобатига оид мақолалар ёзиб турардим. Газетادا чоп этиларди, бироқ мақола "думи юлинган мусичадек" тўмтоқ, яъни кўп қисми олиб ташланиб, қисқартириб босиларди. Кўнглим тўлмас эди. Бирдан хаёлимга "Оила ва жамият" газетаси билан ҳамкорлик қилсам-чи, деган фикр кел-

корлари ҳаётимда кескин бурилиш ясашган, яъни қайта ҳаёт бахшида этган десам, муболага бўлмайди. Чунки, кутилмаганда, онамиз лоқайд шифокорлар айби билан бу дунёдан кўз юмганида менда ҳаётга қизиқиш қолмаганди. Қарийб 1-2 йил давомида қалам ушлашга жазм қилолмадим. Ана шунда суянгон тоғим - "Оила ва жамият" дилкаш, дардкаш бўлди. Тетик руҳ бағишлади. Газета иш фаолиятида беҳисоб савоб ишларга қўл урган. Мен бунда "Қайда ўзи ўша бахт?" рўқини назарда тутаяпман. Бунга изохнинг ҳожати йўқ.

"Оила ва жамият" менга янги-янги мақолаларни яратишда дарғалик қилиб, катта мадад берди, катта сабоқ олдим. Газетанинг ҳар бир рўқини ўз йўли, услуби, характери бор. Ана шу рўқинларни ўқиб, улардан кўп нарса ўргандим. Агар газета ижодий жамоаси мени қўллаб-қувватламаганида ўша мақолалар яратилармиди? Йўқ, яратилмаган бўларди. Шу сабаб мени кашф этган "Оила ва жамият"га, унинг меҳнаткаш, фидойий жамоасига таъзим

қилиб, марра сари олға интила бошлади. Сен эса тўлқин оқимида оҳиста сузардинг. Сенинг камтарлигинг, маҳоратинг, бошқаларга ўхшамаган ўз сўзингни жой-жойида топиб айтишинг кемани эсон-

ўқишяпти. Ўқишли-да. Ўзига хос чиқади. Расмлари ҳам, сарлавҳалари ҳам киши диққатини ўзига тортади. Мақолалар охори тўқилмаган, мазамағизли, мазмунли, хуллас, сўз билан таърифлай олмамас керак. Қани энди биз ҳам шундай газета чиқарсак...

Каранг-а, соҳа мутахассиси "Оила ва жамият"дек газета чиқаришни орзу қилади. Орзуга айб йўқ. Ҳа, "Оила ва жамият" кимларга сабоқ бўлмаган дейсиз! "Оила ва жамият" ташна дилларнинг навоси. Ҳар саҳифасида мурувват порлайди. Ҳаётда муҳром ҳамроҳ. Қалб соғинчининг давоси, ҳар қанча мадҳ айласак оз. "Оила ва жамият" саҳифаларини ўқисам, дилим йираб кетади, сўзлари мен учун тўтиёди. Мен учун дурдона. Қутлуг кунда туғилган "Оила ва жамият" ижодкорларига омад тилайман, мухлислари янада кўпаяверсин.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос. Фаргона шаҳри.

"Оила ва жамият" рўзноамасининг ўн беш йиллик ибратли ҳаёт йўлини биргина мақола билан батафсил талқин этишга имкон бўлармикан?

Кадрли "Оила ва жамият"! Мен сени улкан дарахтга қиёслагим келади. Муштақиллик кунни туғилдинг, сени меҳр билан ерга тикдилар. Сен чин юракдан улғай бординг. Улғайдинг-у, ҳосилга кирдинг. Ҳосилингдан қалби кемтик инсонлар, ҳатто, болалар ҳам баҳраманд бўла бошлади. Субҳидам туриб, кекса-ю, ёш, қайнона-ю, келин, бахтли оилалар барча-барчаси сенга омонлик, сенга яна яйраб-яшнаб ўсадиган кўнгул тиладилар.

Суюкли рўзноам! Сени менгема ўшатгим келади. Денгиз уммонида сен каби қанча-қанча кемалар пайдо бўлди. Улар сенга ўзини, исмини кўз-кўз қилиб, ранго-ранг жилваланиб ҳавасми, ҳасадми

қилиб, марра сари олға интила бошлади. Сен эса тўлқин оқимида оҳиста сузардинг. Сенинг камтарлигинг, маҳоратинг, бошқаларга ўхшамаган ўз сўзингни жой-жойида топиб айтишинг кемани эсон-

ларини сенга қадаган инсонлар, дунёни фаҳат яхшиликлардан иборат деб билгувчи болалар сендан тўйиб-тўйиб сув ичдилар. Агар кузатган бўлсанг, сувининг боқиралигидан, биллур томчиларидан қанча-қанча кўнгулга малҳам бўлдинг, сен туфайли олам, жамият янада гўзаллашди.

Гуллар очилишини, бул-

КЕМАГА ЎХШАЯТЛАМАН

омон маррага олиб келди. Сен билан ҳисоб-китоб қилганлар, сўзингни такрорлаб беллашганлар ҳам сени ардоқладилар, сенга тан бердилар.

Жонажон "Оила ва жамият"! Мен сени жилаға қиёслагим! Субҳидам маҳали, марвариддек тип-тиник бўлиб, гулларни, майсаларни ювиб, тўлиб-тошиб оққанингда, сен сари интик бўлиб бораётган отахон-онахонлар, армон тўла нигоҳ-

буллар сайрашини, тонг отишини ким соғинч билан кутмайди дейсиз? Ана, яна пайшабна тонги отди! Ошфута кўнгуллар сари субҳидам тонги билан сен хонадонимга келасан, рўзноам!

Дилором ЭГАМКУЛОВА, Жиззах вилояти, Зирбод тумани, Бўстон шаҳарчасидаги Шароф Рашидов номли 1-мактаб ўқитувчиси.

ҲАВАС БОШҚА...

Бизни ҳасад қилишганида ўзимизни йўқотмай, янада янги ютуқлар сари интилишимиз ҳасад қилаётганларнинг тезроқ нобуд бўлишларига олиб келади.

Хали-ҳамон эсимда. Тўққинчи синфда ўқир эдим. Барча фанлардан, айниқса математика фанидан аълога ўқишим баъзи синфдошларимга ёқмади. Шунда улар имтиҳонга беш кун қолганида китобларим, дафтарларимни олиб, йўқ қилишди. Мен чорасиз қолдим. Илоҳ-сизликдан математика фани бўйича олган билимларимни ёддан такрорлашга мажбур бўлдим. Натижа кутганимдан ҳам яхши бўлди - мен имтиҳонда биринчи бўлиб, ўтирмай жавоб бердим ва "аъло" баҳо олдим. Ҳасадгўй синфдошларимнинг юзлари янада хунуклашиб кетди. Шу кунни ҳаётдан илк сабоқни олган эдим-ҳасадгўйнинг ениги учун янада

бошда бирдек туюлади. Аммо ҳавас қилган юрак ширин энтикади. Ҳасад қилган юрак эса сиқилади. Шунга эътибор беринг.

Ҳасаднинг шумлиги шундаки, сиз қўшнингиз ё бир танишингизга ҳасад қилиб, уни фарзандлар ёнида ёмонлайверсангиз, фарзандларингиз ҳам гийбатчи ва ҳасадгўй бўлади-лар. Бунинг оқибатида улар ҳатто бир-бирларига ҳасад қилиб, зарар келтира бошлашади. Ўзаро ҳасадда бўлган ака-укалар тўйига бировларни айтиб, ўз жигарларини эса киритмайдилар. Бу - мусибат. Оила мусибати. Авлод мусибати. Яқинлар

БОШҚА...

мусибати. Ҳасадгўйдан эҳтиёт бўлинг.

Тарбия соати

қаттиқроқ интилиш лозим экан.

Олий ўқув юртини тамомам мактабда дарс бера бошладим. Қиш фасли. Мен ишлаётган мактаб иситиш тармоғи яхши ишламас эди. Совуқ еган касбдошларим ҳаётдан нолишга зўр беришди. Шунда мен ўз ономда навбатдаги мақолани ёзаётганимни кўрган касбдошларимдан бири бекорчи иш билан шуғулланаётганимни, унинг ўрнига уйга тезроқ кетсам яхши бўлишини уқдирди. Мен қиладиган ишларим кўплигидан совуқни ҳам унутган эдим. Орадан кунлар ўтди. Ўқувчилар қўлида менинг мақолам чиққан газетани кўрган ўша касбдошим ҳасад билан менга хўмрайиб боқди, ўз нафратини яширмади ҳам ва бир нималар деб гўлдиради.

Эътибор бермадим. Чунки шу онда юрагимда ҳаётда ўз ўрнини топган, қадри баянд устозларга ҳавас ёнарди. Ҳа, азизлар, ҳавас ин кўрган кўнгулга ҳасад кира олмайдди. Қўшнингиз баянд иморат қурса, уйқунгиз қочмасин, синанг ҳам бошингизда ҳамспанангиз борлигига шукр қилинг. Қўшнингизнинг фарзандлари топиш-тутиши бўлса, уларни нопокликда айбламанг, балки ўз фарзандларингиз янги марраларни забт этишларига ёрдам беринг.

Бир ҳолатни унутмайликки, ким бўлишдан қатъий назар ҳар кимнинг ҳаётда ўз ўрни бор, ўз ўрни билан азиз. Бировнинг ўрнига кўз олайтириш ҳасаднинг бошланиши. Ўша пайтдан юрагингиздан ҳасад туйғусини юлиб ташланг. Ҳавас панасида этагингизга ҳасад илакишиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Тўғри, ҳасад ҳам, ҳавас ҳам

Уларнинг энг умумий белгиси - тирноқ ичидан кир қидирадилар. Сир бой берманг. Камчилигингизни айтишяптими? Яхши, уларни тутатинг, бартараф қилинг. Илло, юзингизни ўзгартириб, ҳасад қилгувчиларга қаттиқ гапириб қўйманг. Улардан оғоҳ бўлинг, уларни доғда қолдиринг. Бағрингизни кенг қилинг, юрагингизни эз-гуликка тўлдиринг. Аминманки, шунда сиз янада янги ютуқларга эришиб, ҳасадгўй эса бирор тўзалмас касалга йўлиқади. Агар шу ҳолатда ҳам ўша одамдан ачиқланмасангиз бу сизнинг уйқунгиз. Демак, сиз сўзи билан иши бир бўлган қалби пок инсон экансиз.

Ҳеч қачон қисматингиздан нолиманг. Сиз нолиган он ҳасадгўй сиз эришмаган даражаларни қурол қилиб, юрагингизни тилқалайди. Яна бунинг устига сизни кимларгадир қарши қилиб қўяди. Натижада овқатингиздан таъм, уйқунгиздан ҳаловат кетади. Энди соғлигингиздан ҳам айриласиз. Сиз ҳам ўзгаларга ҳасад қила бошлайсиз. Бу - фожеа. Бундан жуда эҳтиёт бўлинг. Ҳасад ва ҳасадгўйликнинг мудархш оқибати ҳақида барча болалар ўз хулосаларини айтиб кетишган. Абдурахмон Жомий шундай сатрларни битган:

Кўза оғриқ тургандай ақлда ҳам бор ҳасад, Унутмангки, ҳасаддан идрок ҳам бўлур касод. Иншооллох, қалб оғуси бўлган ҳасаддан оилаларимиз, яқинларимиз халос бўлсинлар. **Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ, Тошкентдаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси.**

Тушдан сўнг келган кексагина аёл бир сўз айтмасдан столим устига бир талай хужжатларни ёйиб ташлади.

Сўнг: "Мана, суднинг қарори, ажримлар ва бошқа хужжатлар билан танишиб чиқинг. Кейин гаплашамиз", - деди-да, ўтириб йиғлаб олди. Мен уюлиб ётган хужжатларга биров кўз югуртириб чиқдим-да:

- Опажон, яхшиси нима бўлганини ўзингиз гапириб бера қолинг, шуниси маъқул, - дедим.

- Исмим Мукамбар. Қорамшидаги тўққиз қаватли уйда яшайман. Бир иш юзасидан судлашаётгандим, ўтган ҳафта тугади... Лекин суд қароридан кўнглим тўлмади, - деди.

- Ким билан судлашгандингиз?

- Ўғлим... Асранди ўғлим билан судлашдим. Асли пешонам шўр экан. Биринчи турмушим бефарзандлик оқибатида бузилган, орадан вақт ўтиб, аёли вафот этган, беш фарзанди бор бир кишига турмушга чиқдим. Ногиронлигим учун бир хонали уй беришганди, эримнинг ҳам бир хонали уйи бор экан. Иккаласини уч хоналига алмаштириб олгандик. Ҳозир ана шу уй устида жанжал бўлапти.

- Эрингизнинг беш фарзанди бор экан... Бирок яна фарзанд асраб олибсизлар...

- Аслида унинг бешта эмас, саккизта фарзанди бўлиб, буни менга кейин айтди. Уларига катта ҳовлисини ташлаб келибди.

- Сиз улар билан борди-келди қилмаганимиз?

- Эрим бориб келарди, лекин... Улар мени ёқтиришмасди.

- Саккиз нафар фарзанди бўлишига қарамай сиз билан яна ўғил

асраб олишга рози бўлдим?

- Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да. Мен ҳам бағримга бир гўдакни босишни, оналик бахтидан бахраманд бўлишни истардим. Шу боис у кишини кўндиргандим.

- Асраб олган фарзандингизга муносабати яхши эдимиз?



- Уни яхши кўрарди. Ўғлим ёмон эмасди. Аммо у вояга етиб уйлангандан кейин ўзгарди. Бўлмаса топган-тутганим шуники эди. Келиним мени ёқтирмади. Бошидан у билан муро-самиз келишмай қолди, каттаман-ку, деб оғир бўлдим. Кечирдим. Аммо қаттиқ-қаттиқ гапирарди. Ўғлим ҳам хотинининг гапини маъқулларди. Бундан эса жажлим чиқарди. Балки мендан ҳам ўтгандир. Майда-чуйда гаплар, жанжаллардан кейин кели-

ним ўғлим билан онасиникига кўчиб кетишди.

- Сиз ёлғиз қолдингизми?

- Иложим қанча? Кун бўйи "дом"-имизнинг пастиди курт, писта, сақич сотиб, уйга кеч чиқаман. Кир-чир, овқатим ўзимга қолди. Бир кун соғ бўлсам, бир кун касалман... Ўйлаб-ўйлаб бир ногирон укамга уйимни қонуний мерос қилиб қатлаб бердим. У келиб менинг ош-овқатимдан хабар олади. Уй, газ, чирок пулини тўлаб, касал бўлсам дори-дармонимни олиб келади. Буни ўғлим қаердандир эшитиб қолган шекилли, келиб уйнинг хужжатларини олиб кетди, қарасам ўғилчасини уйимга рўйхатдан ўтказиб қўйибди.

- Ўғлингиз набирангизни шу уйга рўйхатдан ўтказишга ҳақли, шундай эмасми?

- Тўғри, лекин... Уйимда яшамайдиган уч кишининг коммунал тўловларини тўлаш менинг бир ўзимга оғирлик қилди.

Ўғлим эса келиб бир марта ҳам хабар олмади. Шундан сўнг алимент ундириш учун уни судга бердим.

- Ҳўш, ундириб беришдими?

- Ҳа, ойига тўрт минг сўм оладиган бўлдим. Бу кам бўлгани учун унинг ишхонасига бориб, бошлиғига устида шикоят қилдим. Мени ташлаб чиқиб кетганини, келиб хабар олмаётганини айтдим.

- Бошлиғи нима деди?

- Нима дерди? У менинг гапларимни обдон эшитди-да: "Опажон, ўғлингиз билан бўлган муносабатларингиз менга қоронғу. Аммо у менинг энг яхши хизматчиларимдан бири.

Ундан ҳеч қачон норози бўлмаганман. Уз ишини қойиллатиб бажаради. Жамоамизда ҳурмат-эътибори бор. Лекин сиз уни судга бериб яхши қилмабсиз-да. Ҳалиям бориб даъвоингиздан воз кечинг-да, ўғлингиз билан ярашиб кетинглр. У яхши йигит", - деб энсамни қотириб юборди.

- Демак, у меҳнаткаш йигитга ўхшайди. Балки сиздан ҳам айб ўтгандир? Ярашиб кетсангиз бўлмайдими?

- Ҳеч қачон ярашмайман! Уларни уйга киритиб қўйиш ҳақида суд қарор чиқарган. Аммо барибир уларни уйимга киритмайман.

Яна келиним билан гўрбатга қолайми? Ахир ёшим етмишдан ошган бўлса!... Асранди фарзанд ўзиникидек бўлмас экан. Унга берадиган уйим йўқ! - онахон кўз ёши қила бошлади.

Ёши етмишдан ошган, сўзлари буррогина, қонунни яхши билмадиган бу аёл ўғлини сарсон қилмасдан, аксинча дуо қилиб, хурмат-иззатда бўлиши мумкин эди-ку! У ўғлини беоқибатликка айбалапти, ўғли эса кўчага ҳайдагани учун онасидан хафа.

Ёшим, қарими ҳар кимга аввало Оллоҳ инсоф бермаса қийин.

Онахонни ўғли билан ярашишга кўндириш учун анча ҳаракат қилдим. Бўлмади. Қайсаргина кампир уларнинг "айб"ларини қаторлаштириб ташлайверди.

Инсон кексайганда фароғатга эришмаса, яна ўтган умри ҳам елга учгандек туюлади. Кампирни кузатаётиб, яна ўғли билан ярашиб кетишига тилак билдиргандим, унинг энсаси қотиб, индамасдан, шипиллаганча жўнаб кетди.

Бу муаммонинг келиб чиқишига ким айбдор? Асранди ўғлими ёки етмишга етганда судлашиб юрган онахонни? Иккиси ўзинча ҳақ.

Азиз мухлислар! Бу ҳақдаги фикру мулоҳазаларингизни кутамиз.

ГУЛБАШАКАР

БОЗОРДАГИ

Бекатда тургандим, кўлига катта-катта оғир сумкаларни кўтариб олиб, автобусга томон чапаятган киз эътиборимни тортиди. Сумкасини олиб ёрдамлашдим. Қизгина ўзида йўқ хурсанд. Аввалига мен ёрдамлашганим ёхуд автобусга улгуриб жой тоғиб олганига хурсанддир-да, деб ўйладим. Йўқ, кейин билсам, бугун бозор яхши бўлибди. Биз анчагача у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб кетдик.

- Бирор касбни эгаллашга ҳаракат қилиб кўрдингизми, ҳеч йўқ орзу қилгандирсиз?

- Қизикиб сўрадим ундан. Шифоқор бўлишни орзу қилардим. 9-синфни имтиёзли шаҳодатнома билан битирганман. 10-синфга ўтганимда ўқишларим пасаёиб кетди.

- Нима бўлди?

- Бир кунни ўқишдан уйга қайтсам, яна жанжал... Хуллас шундан кейин акам келиноиймнинг гапларига кириб, рўзгорини бўлак қилиб олди.

Моддий жиҳатдан қийналиб қолдик. Рўзгоримиз асли кўпроқ келиноиймга боғлиқ эди-да. Бечора келиноиймнинг куйиб-пигнашини ҳам бор-да. Энди-энди тушуниб ачиналман.

Бўй-ўйлақай суҳбат

- Нега энди, келиноиймгиз шунчалик ачинарли ахволда?

- Йўқ, лекин раҳмим келди. Ёзининг иссиқ жазиралариди ҳам, қишининг совуқ изғиринлариди ҳам қишлоқма-қишлоқ юриб калиш сотиб эрини, болаларини боқса, сиз буни нима деб атардингиз.

Ҳаммамиз айна ёйман-ичанам дейдиган пайтимиз. Мен оилада энг катта фарзанд бўлиб қолдим. Синглим, 11 ёшли укам бор. Бир кун оймилар олдларига чақириб: "Маҳалламиздаги Нозима хола бозорда кофе билан ширин қулчалар сотаяпти экан. Кунига 4-5 минг сўмлаб фойда қилаётган экан. хохласаларинг, қизингиз билан иккалангизга бозор ишини ўзим ўргатаман, деяпти", - деб қолдилар. Ойимдан бунақа гапни биринчи марта эшитганим учунми, сочимгача музлаб қолди. Чунки келиноиймнинг кўчама-кўча қалиш сотиб юришларидан уялардим. Ўша пайт ойижонимни кўрганнингизда эди. Уларнинг шунчалик ночор ахволга тушиб қолганларидан уялаётганлари шундоққина юз-кўзларидан билиниб турарди. Буни яшириш

учунми, ёхуд ўз-ўзларига тасалли бериш учунми "тирикчиликнинг айби йўқ", - дея қайта-қайта такрорлардилар.

Мана энди синфдошларим лицей, коллежаларда ўқибётган, олий ўқув юртурларига кириш

учун тайёрланаётган бир пайтда мен бозорма-бозор кофе сотиб юрибман. Баъзида дадамларни жудаям ёмон кўриб кетаман. Ахир бозорга чиқиш дадамнинг ҳам қўлидан келади-ку. Кун бўйи бекорчиликдан чорбоғнинг у четидан-бу четига бориб-келиб юрсалар юрадиларки, бизнинг бозорга чиқишимизга қаршилик қилмайдилар. Бошида дарсдан чиқиб бозорга аямининг олдларига боришга борардим: "Ҳозир бирон танишим кўриб қолса-я, қайси ўртоғимга кофе сотарканман", деган минг ҳадик билан юрдим. Кейин-кейин ўрганиб ҳам кетдим. Акам ҳам, дадам ҳам эркак, ота дегани аёли ва фарзандларининг ишонган тоғи бўлиши лозимлигини тобора унутиб бораётганга ўхшайдилар.

Мана энди ўқийшни ҳам ойгиштириб қўйдим. Уйга пул олиб бориш, дадам билан аямининг хурсандлигини кўриш мен учун бахта айланиб қолди. Лекин шифоқор бўлиш орзуси ҳамон юрагимдан кетгани йўқ. Уйдагилар "ўқийшинг керак" деб майли, ёлғондан бўлсин айтиб қўйсалар бас. Мен ўзим ҳаракат қиламан. Ахир ҳали ёшман, ўқишга имконим бор, шундай эмасми?

Нигора АБДУРАХМОНОВА, Ўз. ДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси.

Кўйлик бозорига бориш учун маршрутга чиқдим. Салонда ёши тахминан элликларга борган онахон 5-6 ёшлардаги невараси билан ўтирарди.

Шу пайт бир аёл келиб, ёнимга ўтирди. Кўзи боғга аёлга тушиб:

- Вой, Турди хола, бормисиз? Келинларингиз омонми? Тилла келинларингиз-чи? - дея қуюқ сўраша кетди.

- Эй, айланай, нимасини айта-

Турди хола меҳр билан неварасининг бошини силаркан. Тилла келинимни анчадан буюн бўқоқ касали безовта қилиб касалхонада ётибди. Уни кўрганни олдига бораёلمиз, - дея бекатда тушиб қолди.

Менинг улар суҳбатига беихтиёр шохид бўлганимни сезган аёл сўз қотди:

- Буларнинг тарихи жуда қизиқ! Тилла келин деганимизнинг исми аслида Махлиё. Бу аёлнинг ўртанча ўғли гапиролмайди, болалигидан. Келин ҳам шундай. Аммо, тили-жағи йўқ бўлсам, жуда меҳнаткаш, ўта камтар. Ойлигини қайнонасига олиб келади, саранжом-саршша. Нима яхши нарса бўлса қайнонасига илинади. Эрининг ҳам "ўтидан кириб, сувидан чиқади"- атрофиде парвона. Тилла келининг онаси қизи гунг туғилгани учун сал бемехрроқ экан.



Ўғил кўрганда ёлғиз қизига лоақал бешик бермади.

Тилла келин иккинчи бор она бўлиб, қизчалик бўлганда, Турди хола қудасига: "Неварамнинг ҳамма нарсасини ўзим

қилиб бераман, ҳатто бешиккача тайёр! Сиз номига бешик "ясатиб" олиб келинг, "Тилла келиним йиғламасин", - деб тавалло қилди. Аммо бир йилгача қуда бу ишни пайсалга солиб юрди.

Шу орада невараси касал бўлдию, оламдан ўтди. Гудагига сиқилиб, Тилла келиннинг касали зўриқиб қолди. Яхши-ю бажига ўғли бор, бўлмаса қайнонагача, келингам оғир бўларди.

- Бу Турди хола қайнонамас, онасидек экан-да, - дедим мен. Шу дамба беҳтиёр қайнона келин қиёфаси кўз олдидан жонланди. Ахир, келини билан ёқалашаётган ёки қайнонасини кўришга кўзи йўқ келинлар озми орамизда? "Эй, барака топинг-а Турди хола", дея кўнглимдан ўтказдим беҳтиёр.

Фарида ТОҲИРОВА

ҚИЗ БОЛА ҲАЁСИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Хурматли қизгина! Сиз ҳали ўз йўлингизни топиб кетасиз. Чунки хатоингизни тушуниб, нотўғри йўлга кирганингиздан пушаймон бўлаёсиз. Бу йўлга ихтиёрсиз киргансиз. Бир йигитни севиб, лекин севилмади, ундан озор кўргансиз. Аслида дунёга келган ҳар бир инсон севишга ҳақлидир.

Сиз муҳаббат йўлида алдангансиз. Ана шу алдов зарбасидан эзилиб, бир фарибгар аёл тузоғига тушиб қолибсиз. Сизга берадиган оналик маслаҳатим шуки, ота-онангиз бағрига қайтинг! Яхши иш топиб, ўзингизни меҳнатга бағишланг! Ҳали ёшсиз, бирорта ўқишга кирсангиз ҳам бўлади. Ҳаётдан озгина бўлса ҳам сабоқ олган бўлсангиз керак. Сизга ўрناк бўлсин деган мақсадда бир вақтлар кўшим бўлган қизнинг бошидан кечирганларини ёзиб ўтмоқчиман.

Зайнабхон деган кўшимизнинг эри катта жойда ишлар, бадавлат яшашарди. Уларнинг Фотима деган яккою ягона қизлари бор эди. У жуда гўзал, сочлари узун, доим бошида дўппи, хонатлас кўйлак кийиб юрарди. Кийимлари жуда ўзига ярашарди. Қизнинг ота-онаси уни еру қўқма ишонмай, авайлашарди. Чунки улар фарзанд кўрмай, уни Марғилондаги туғруқхонадан асраб олиб, тарбиялаб, ўзларига қиз қилиб олишганди. Шунинг учун ҳам улар Тошкентга келиб уй олиб яшаб қолишганди.

Фотима 10-синфини тамомлаб, олийгоҳга кириш учун тайёрланиб юрган кезлари эди. Бир кун уйда ҳеч ким йўғида бир аёл эшик қоқиб, Фотимани йўқлаб келади. Фотима эшикни очиб, уни уйга таклиф қилса: "Холангизнинг эри машинада сизни кутиб турибди. Уйга киришга вақтлари йўқ экан. Тезда чиқар экансиз. Сизга айтадиган гаплари бор экан", - дейди.

Соддагина Фотима уй эшигини ёпиб, кўча бошига борса, машина турибди. Лекин унда холангизнинг эри йўқ! 3 та йигит Фотимани тезда машинага итариб, ўтказиб, машинани тез ҳайдаб кетишади. Фотимага: "Овозингни чиқарсанг, отиб ташлаймиз", - деб кўрқитишади. Улар узок юриб, Чинозга етиб келишади. Пахса деворли баланд бир ҳовлининг олдида тўхтаб, Фотимани ичкари уйга олиб киришади. Ён томондаги уйда 5-6 та йигит кимор ўйнаб ўтиришган экан. Йигитлардан бири киморбозлар бошлиғи Каримбекка, «сиз буюрган ишни бажардик», дейди.

Каримбек Тошкентда бўлганида Фотимани битирув кечасида кўриб, жуда севиб қолганди. Каримбек қишлоқдаги қўшмачи фарибгар хотинни ишга солиб, катта пул эвазига Фотимани ўғирлаб келишни буюрган. Каримбекнинг ёши 25да. У институтни битирган бўлса-да, бекорчиликдан бўшамасди, киморбозлик қилиб, маишатда умрини ўтказарди. У колхоз раисининг ўғли бўлиб, жуда яхши шарди.

Каримбек Фотимага раҳми келади, шекилли синглисини ёнига чақириб, уни уйга олиб боришни, эҳтиёт бўлиб муомала қилишни айтди. Фотима кечаси билан йиғлаб, уйга олиб боришларини илтимос қилди. Лекин Каримбек уни жуда ҳам яхши кўриб қолганди. Фотима эндигина 16 ёшга кирганди.

Эртаси кунни никоҳ ўқитилиб, раис ўғлини катта тўй қилиб Фотимага уйлантиради. Фотима Каримбек билан ҳаёт кечира бошлайди. У тақдирга тан берди. Аста-секин Фотима ҳам Каримбекка ўрганиб, уни чин юрагидан севиб қолади.

Кунларнинг бирида Чинозда бир тўйда маст йигитлар мушталашиб, Каримбекка бир йигит пичоқ уради. Каримбекни Чиноз касалхонасига олиб кетишади. Бу хабарни эшитган Фотима тўйхонага етиб келади. Тўйхонада эрини тополмай юрганида бир фарибгар аёл: "Юринг! Мен сизни эрингизнинг олдида олиб бораман", - деб алдаб, фоҳиша қизлар билан учрашадиган жойга олиб боради. Бу хотин унга меҳмонхонага киришни таклиф қилади. Фотима ёмон жойга келиб қолганини билиб, бу уйдан соғ-омон чиқиб кетиш йўлларини излай бошлайди.

Уни уйнинг иккинчи қаватида олиб чиқашади. У уй кийимларида бўлган учун яхши кийимлар бериб, тезда кийинишга буюришади. Чунки пастдаги хонада уни маст бойвачча йигит кутиб турарди. Фарибгар катта пул ишлаб олиш мақсадида Фотимани яхши кийинтириб, пастга тушишга ундарди. Фотима рози бўлгандай бўлиб эшикни ичкаридан беркитиб: "Кийиниб,

«Йўлимни йўқотдим», -15-сон

ЭСЛАТМА: Мақтабни тугатиб бир фирмага ишга қирам. Раҳбаримнинг ширин сўзларига учиб, ўзимни бадам қилам. Ҳозир бир фарибгарнинг уйдан кўнғироқ қалайман. Орзуларим бор эди. Бироқ...

МУАЛЛИФ: Барно РУСТАМОВА.



Мақолани ўқиб "Фунажин кўзини сузмаса..." деган гап кўнглимдан ўтди. Бир йўлаб кўринг. Котиба қиз раҳбарига яхши, чиройли кўриниш учун юриш-туришини ўзгартирса, ўзини кўз-кўз қилса, бу ғирт аҳмоқлик-ку! Қиз бола одоби, ахлоқи, ҳаёси билан гўзал эмасми? Тўғри, муҳаббат юракка сўроқлаб келмайди. Лекин ўша севги-муҳаббатни юракда пинхона сир тутиш мумкин эди. Раҳбарнинг эйтиборини тортиш билан нимага эришди? Гуноҳга ботиб шарманда бўлгани қолди холос.

Мен бир нарсага тушуна олмайман. Инсонда дунёда энг яқинлари бу ота-онаси. Нега у бир фарибгар нотаниш аёлга дардини дастурхон қилишни маъқул кўрди. У ота-онасидан яқин бўлди-ми? Умуман ота-онаси қизининг юриш-туришига лоқайдлик билан қарашда назаримда. Йўқса, "Тижоратга кетаман", - деб уйдан чиқиб кетишига индамай рози бўлишармиди?

"Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит", - дейишди. Бизнинг ишхонага Нарғиза деган 17-18 ёшлардаги бир қиз ишга келди.

Аввалига бийонидек ишлаб юрди. Кейинчалик ишга келмайдиган одат чиқарди. Бахоналари жуда кўп бўлди. Сўнг раҳбарлар уни ишдан бўшатмоқчи бўлишди.

Кунлардан бир кун уни излаб буви си келди ва кейин маълум бўлдики, Нарғиза уйдан кетиб қолган экан. Ота-оналари ажрашиб кетишган, онаси уч болани отасига ташлаб, кичик ўғли билан уйдан кетган.

"Набирамдан кўрқаман, - дея буви си кўзига ёш олди. - Кўчада ёмонлар кўп. Онаси бизларни шарманда қилиб кетди. Бу ҳам онасига ўхшаб ёмон йўлга кириб кетмасин дейман". Орадан икки кун ўтгач, уни милиция ходими олиб келиб, ишга қайта жойлаштириб кетди.

Биз билан бирга ишлайдиган Машхура опанинг уч қизи бор. У қизлари билан маслаҳатлашиб Нарғизани ўз уйига олиб кетди. Улар опа-сингилдек яшав юришди.

Бир кун Машхура опа навбатчиликдан уйга қайтса, ҳеч ким йўқ. Қўшиллардан сўраб билса, кечаси Нарғиза уйдан бир қанча кимбат нарсаларни ўғирлаб қочиб кетибди.

Қизлар эса милицияга маълум қилгани кетишган экан. Нарғиза гўёҳанд моддалар истеъмол қилишга ўрганиб қолган экан. Кейинчалик у ҳам розолат ботқоқига ботиб, фарибгар аёлларнинг уйдан макон топибди.

Ҳаётда икки йўл бор. Тўғри ва эгри йўлларнинг ораси бир қадам. Шу йўлларнинг қайси бирига қадам қўйиш инсоннинг ўзига, ақл-фаросатига боғлиқ ва бу қўйган қадами унинг келажагини белгилаб беради.

Шоира ҲАСАНОВА

ЯХШИ АЁЛ ЭКАН...

Сухбатни ўқиб, шундай хулосага келиш мумкин. Молпарастлик касаллиги йўқолмаса, қайнона-келин можароси ҳам давом этаверарди. Ҳаёт - абадий. Умр эса ўткинчи. Баъзи қайноналарнинг ўзини тутиши дунёга устун бўладигандек.

Эркак ақли экан. Ногирон бўлиб қолган хотинига гамхўрлик кўрсатаётган экан. Бунга иккинчи хотин тижирлик қилмапти. Жанжалнинг хамиртуруши қайнона бўлиб қолмоқда. "Бу уй ўғил невараники бўлиб қолади". Бу гапи билан хурматли момо қиз невараларини ерга урмаяпти? Қиз невараларга ҳам бахтини тилаб, хайрли дуолар қилиб қўйса натади.

Эркак қонунни биллади. Ногирон хотини билан никоҳни бекор қилиб, бу хотини билан ЗАГСдан ўтиб қўйса бўларди. Фамхўрлигини қилаверарди. Онаси уйни, мулкни қиз-гани никоҳсиз хотинни "домовой"га рўйхатга ҳам киритмаган. Никоҳдан ўтказмаслик, рўйхатга киритмаслик кейин хотин ва неваралар учун зулм, ҳуқуқнинг бузилиши, камситиш.

Момонинг феъли кенг бўлмайди?! Ўғил неваранинг талтайтирилиши, кундош она ва сингилларга қайралиши одобдан эмас-да. Кўр-кўрона тарбиянинг бузилиши-ку!

"Армонда қолишмасмикан" -24-сон

ЭСЛАТМА: Қайнонам билан келишмаганим сабаб алоҳида уй олиб чиқиб кетдик. Аммо эрим ҳовлидан қувилгани учун ота-онаси билан умуман гаплашмайди. Мен уларнинг муносабатини яхшилашга қанча уринсам-аа, эрим сўзидан қайтмаяпти.

МУАЛЛИФ: С. ФАХРИДИНОВА.

Бир воқеадан хабардорман. Ёшлари 70 га яқинлашган ота-хон шиқохонда бандалик қилди. Тўрт марта уйланган, ҳар биридан фарзандлари бор, аммо ўзи ёлғиз яшарди. Шиқохондан хабар қилишса, никоҳда турган тўртинчи хотин: "Менга ўлиги керак эмас, ким кўмса кўмаверсин!" - дебди. Жиянлари: "Янга, сиз никоҳдасиз. Тоғамнинг ўлиги керак бўлмаса, яшаган уйга даво



қилмайсизми?" - дейишса: "Албатта, даво қиламан!" - дебди. Охири даъвогар аёл эрининг ўлигини уйдан чиқаришга рози бўлади. Дафн маросимию бошқа тadbирлар миннат билан қилинади. Марҳум эса

безовта. Биринчи хотиннинг тушига кириб, ёрдан сўрагандай бўлаверади. Ису чироқ қилиб, дуои фотиҳа бағишлагач, руҳ осойишта бўлади.

Молпараст, ҳовлипараст қайнона эрта бир кун дунёдан ўтгач, қайси келин қорига ярашин билармикан? Мен иккинчисини яхши, биринчисини ёмон демокчимасман. Ўтганларнинг розилигига изидагиларнинг ҳар бирилари эришишлари керак. Бунинг учун қайнона, қайнонанинг ўзлари шунга лойиқ бўлишлари керак эмасми?

Қизларига қаноат қилаётган аёллар ўғиллари ҳам бўлишига эришишлари керак. Ҳар қайсининг ўз ўрни бор. Кўнғироқ қилган аёлнинг ташвишлари ўринли. Армонда қолмаслик учун бугун ҳаракат қилиш керак.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!



Қизим МАЛИКА!
19 баҳоринг билан табриклайман. Сенга узоқ умр, бахт-саодат, ишларингда муваффақиятлар тилайман.
Оила аъзоларинг номидан алаанг Абдуғаффор, сингаинг Назокам.

Қизимиз ЛАЙЛОХОН!
Туғилган кунинг муборак бўлсин! Сенга бахт-саодат, доимо гуллардек гўзал бўлиб юришингни тилаб қоламан. Дунёнинг барча яхшиликлари сенга бўлсин.
Оиламиз номидан бувишнинг Раънохон.
Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани.



САНЖАР ака!
Таваллуа айёмингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, келажакдаги орзуларингизга етишингизни тилайман. Бахтимга соғ-омон бўлинг.
Зухра,
Хоразм вилояти, Пштак шаҳри.

Азиз фарзандларим ЗУЛФИЗАР ва ЗАРНИГОР!
Сизларни таваллуа айёмингиз билан чин дилаан табриклайман. Ҳамиша соғомон ва келгусида яхши касбнинг эгалари бўлинглар. Бахт-омад ёр бўлсин.
Тошкентдан салом билан
дадажонингиз.

Азиз дугонам ДИДЗОРА!
Таваллуа кунинг билан чин қалбаан табриклайман. Узоқ умр тилайман.
Дугонанг Барно

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги (Мўлжал ТТЗдаги янги автобекат ёки Яланғоч кўрғони) 12-15 сотихли ҳовли сотилади ёки деҳқончилик учун ижарага берилади.
ТЕЛ: 321-84-96-уй, 64-43-77 иш.

1-Республика Тиббиёт коллежи томонидан **ЯКУБОВА РАЪНО АБДУСАМАТОВНА**га 2006 йилда берилган **К № 284197,583** рақамли **ДИПЛОМ** йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

НЕГА ПАЙШАНБАДА

